НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Умаров Орзумурод Файзуллаевичнинг

(2024 йил январдан буён)

КАФОЛАТ ХАТИ

Сизнинг 2025 йилдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномангиздаги устувор вазифалар, шунингдек, 2026 йил I-ярим йиллигида ўтказилган йиғилишлар доирасида берган топшириқларингиз ижросини тизимли ва самарали ташкил этиш бўйича Навоий вилояти ҳокимлиги томонидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

I. 2026 йил 9 ойлик натижалари.

1. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **1,9 трлн** сўмни ташкил этиши кутилмоқда *(ўсиш – 140,2 фоиз)*.

Шунингдек, тоғ-кон саноати **52,1 фоиз**га (**1,0 трлн** сўм), қурилиш материаллари **47,9 фоиз**га (**928,7 млрд** сўм), ўсиши кутилмоқда.

2. Инвестиция дастурига асосан ҳудудий лойиҳалар доирасида **11,0 млн доллар хорижий инвестициялар** ўзлаштирилди.

Ҳудудий инвестиция дастури доирасида **26 та** лойиҳа ишга туширилди ва **435 та** янги **иш ўринлари** яратилди.

3. Тўққиз ойлик якуни билан жами экспорт ҳажми **894,0 минг** долларни ташкил этди (ўсиш – **56 фоиз**)га баажарилди.

Жумладан, **саноат** маҳсулотлари экспорти **894,0 минг** доллар (ўсиш-**56 фоиз**) экспорти амалга оширилди.

4. Солиқ тушумлари 26,7 миллиард сўмни ташкил этиб, белгиланган режа **177,1 фоизга** бажарилди (тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **427,7 фоизга** ошди).

5. Жами **3022 нафар** *(9 ойлик режага нисбатан **121,6 фоиз**)* **аҳоли даромадли меҳнат билан** таъминланди.

*Шундан, **561 нафари доимий ишга жойлаштирилди, 565 нафари легаллаштирилди** ва **1896 нафари даромади оширилди**.*

II. 2026 йил якунига қадар амалга ошириладиган долзарб вазифалар.

1. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини **150,0 фоиз**га ошириш орқали **2,2 трлн** сўмга етказилади.

Жумладан, тоғ-кон саноати **54,5 фоиз**га (**1,2 трлн** сўм), қурилиш материаллари **45,5 фоиз**га (**1,0 трлн** сўм), ўсади.

2. Инвестиция дастурига асосан ҳудудий лойиҳалар доирасида **90,0 млн доллар инвестициялар** ўзлаштирилишини таъминлаш *(ўсиш — **1090 фоиз**)*.Жумладан:

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар **90 млн доллар**

(шундан, амалда **109,0 млн доллар***);*

Ҳудудий инвестиция дастури доирасида **2 та** лойиҳа ишга туширилади ва **60 нафар** янги **иш ўринлари** яратилади.

3. 2026 йил ***IV чоракда*** **1,8 млн доллар экспортни** таъминлаш.

Шундан маҳаллий корхоналар томонидан **1,8 млн долларлик** маҳсулотларни экспорт қилиш белгиланган.

Бунда, саноат маҳсулотлари **1,8 млн доллар** экспорт амалга оширилади.

4. Бюджетга жами **40 миллиард сўм солиқ тушумлари** таъминлаш.

5. Камбағалликка тушиш хавфи мавжуд **80 нафар** аҳоли даромадини ошириш, **44 та** камбағал оилаларни манзилли қўллаб-қувватлаш орқали "камбағалликдан ҳоли ҳудуд"га айлантирилади.

Бунда **332 нафар** аҳоли бандлиги таъминланади, **131 нафар** ишсиз фуқаролар доимий ишга жойлаштирилади, **82 нафар** фуқаролар тадбиркорликка жалб қилинади, **25 нафар** камбағал аҳолига имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратилади, **92 минг** камбағал аҳолининг норасмий фаолияти легаллаштирилади, **2 минг нафари** касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилади.

6. Маҳаллийлаштириш дастурида 3 та лойиҳа томонидан **6,6 млрд сўмлик** импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилади.

7. Энергия самарадорликни ошириш орқали **0,9 млн кВт соат** электр энергия иқтисод қилинади.

8. Бозор хизматлари ҳажми **119,4 фоиз**га ўсиши таъминланади (**201,2 млрд сўм**).

9. Қишлоқ хўжалиги ҳажми **105,3 фоиз**га ўсиши таъминланади (**597,2 млрд сўм**) ва йиллик инфляция даражаси **6,6 фоиз**дан оширилмайди.

10. Шунингдек, **2026 йил якунига қадар** белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, қуйидагилар:

қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган топшириқлар ижросини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Ҳокимлик фаолиятининг **2026 йил** учун белгиланган энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини тўлиқ ҳажмда бажарилишига эришилади;

функция ва хизматларни рақамлаштириш даражасини ошириш ҳамда коррупциявий омилларни олдини олиш бўйича ишларни самарали ташкил этиш;

юклатилган вазифа ва топшириқлар ижросини самарали ташкил этиш юзасидан амалий чора-тадбирларни белгилаш ва ижросини сўзсиз таъминлашга **кафолат бераман.**

Ҳоким **О.Умаров**